XALQ DEPUTATLARI CHILONZOR TUMAN KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 15 - avgust II-63-116-14-204-K/22 Chilonzor tuman hokimligi

Чилонзор туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари маблағларини харажатларга йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 126-моддаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 24-моддаларига асосан, халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгаши ,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги 128-сонли қарорига асосан Чилонзор туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил иккинчи чорак даромадларни режадан орттириб бажарилган қисми ҳисобидан маблағ ажратиш бўйича Чилонзор туман ҳокимлигининг таклифи лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун **ID 64800**-сон билан 10 кун муддатга “E-qaror” электрон тизимига жойлаштирилиб, жамоатчилик муҳокамасига KQL-264/22-сонли лойиҳа **project.gov.uz** сайтида эълон қилинганлиги;

муҳокама якунлари билан жамоатчилик томонидан таклифлар келиб тушмаганлиги инобатга олинсин.

2. Чилонзор тумани Молия бўлими мудири Ш.Хабибуллаевнинг “Чилонзор туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари маблағларини харажатларга йўналтириш тўғрисида”ги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

3. Чилонзор туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил 2-чорак даромадлар режасининг орттириб бажарилган қисми ҳисобидан:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 майдаги “Давлат умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини замонавий ягона мактаб формаси билан таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 271-сон қарорлари ижросини таминлаш мақсадида туман ҳокимлигига қонунчиликда белгиланган тартибда кам таъминланган деб эътироф этилган оилалар фарзандлари учун мактаб формасини маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан сотиб олинишида кўмаклашиш харажатлари учун 1 000,0 млн. (бир миллиард) сўм;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 ноябрдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6324-сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органига Жамғарма маблағларини шакллантириш учун шаклланган қўшимча манбаларининг 3 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказилишини таъминлаш харажатлари учун 160,0 млн. (бир юз олтмиш миллион) сўм;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 апрелдаги 213-ф-сон фармойишига асосан туман ҳокимлигига “Саховат ва кўмак” жамғармаси (Темир дафтар)га киритилган фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун 150,0 млн. (бир юз эллик миллион) сўм миқдорида маблағлар ажратилсин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 27 июлдаги “Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2022 йил 20 июлдаги VI-67-198-14-0-K/22-сонли қарори ижроси тўғрисида”ги 767-14-0-Q/22-сонли қарорига мувофиқ Республика бюджетининг 2022 йил иккинчи чорак даромадлар режасини орттириб бажарилган қўшимча манбасининг Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига ажратилган қисми ҳисобидан умумтаълим мактаблари синф хоналарини таъмирлаш учун Чилонзор туманига 298,4 млн. (икки юз тўқсон саккиз миллион тўрт юз минг) сўм маблағлар ажратилганлиги инобатга олинсин.

5. Чилонзор тумани Молия бўлими (Ш.Хабибуллаев):

2022 йил Чилонзор тумани маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

6. Чилонзор тумани Ғазначилик бўлинмаси (А.Ташматов):

ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда молиялаштириш чоралари кўрилсин.

7. Туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси (М.Ерназарова):

мазкур қарорга асосан ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда ва мақсадли сарфланиши таъминлансин.

8. Ушбу қарорнинг ижроси Чилонзор тумани ҳокимининг биринчи ўринбосарлари Ж.Ходжиманов ва туман ҳокимининг ўринбосари А.Хатамов зиммаларига, ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Чилонзор тумани Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси М.Абдукадиров зиммасига юклатилсин.

Sessiya raisi **O.Ahmedov**